

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

44-сон
(284)
2007 й.
октябрь-
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

440. «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони
441. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 октябрдаги ПҚ-714-сон қарори
442. «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 24 октябрдаги ПҚ-715-сон қарори
443. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясидан фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 26 октябрдаги ПҚ-717-сон қарори

444. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сон қарори
445. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-719-сон қарори

Учинчи бўлим

446. «Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сон қарори

Бешинчи бўлим

447. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 26 октябрдаги М-42, 97-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 октябрда 1699-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
448. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (ЎЗР АҚ-160)»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 октябрда 1734-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
449. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 22 октябрдаги 96, 2007-60-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 30 октябрда 1238-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
450. «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 24 сентябрдаги 34, 86-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 30 октябрда 1735-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 27 октябрдан 2 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

440 Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизими- ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтириш имконини берди.

Шу билан бирга, суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга тўғанок бўлмоқда. Мелиорация соҳасидаги тадбирларнинг лойиҳаларини, шунингдек уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тизимли равишда комплекс ёндошилмаётганлиги, сув хўжалиги тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг сушт ишлаши кейинги йилларда мелиорация ишлари ҳажмларининг камайишига, сизот сувларнинг даражаси кўтарилишига ва минераллашуви ошиб кетишига олиб келди.

Бунинг оқибатида ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини турли даражада шўр босган, айни вақтда фермер хўжаликларига қарашли суғориладиган ерларнинг 16 фоизидан ортиғи қоникарсиз ҳолатдадир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш 2008—2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мелиорация ишларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасида вазифаларни қатъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишга ёндошувларни тубдан ўзгартириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш;

мелиорация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқава сувларнинг коллектор-дренаж тармоғи орқали нормативга мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шохобчаларни сақлаш механизмини сифат жиҳатидан такомиллаштириш;

лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тузилмасини, унинг Кенгаши таркибини, шунингдек унинг ижро этувчи органи — Жамғармани бошқариш Департаменти тузилмасини тасдиқласин.

Қуйидагилар мазкур Жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳажмда Жамғарма ҳисобварағида жамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узок муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукамал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш;

мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда қаттиқ назоратни амалга ошириб бориш.

3. Қуйидагилар Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Давлат бюджетига тушадиган маблағлар;

мақсадли бюджет маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;

маҳаллий ва хорижий грантлар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар.

4. Белгилансинки, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан фақат қуйидаги мақсадларга:

магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро очиқ коллекторлар, вертикал дренаж қудуқлар, мелиоратив насос станциялар ва кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурлари доирасида ёпиқ горизонтал дренаж шохобчаларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишга;

ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан суғориладиган ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига киритиладиган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ҳужжатларини ишлаб чиқишга;

ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг мелиорация техникаси саройини янгилашга маблағни қайтариб бериш асосида, шу жумладан узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартларида молиялаштириш тадбирларига;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурларида назарда тутилган бошқа ишларга йўналтирилган ҳолда фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилнинг 15 ноябригача бўлган муддатда 2008 йилда биринчи навбатда реконструкция қилинадиган ва қуриладиган объектларни белгилаб берган ҳолда 2008—2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йилнинг 1 январигача ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини мелиорация техникаси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

7. Қўйидагилар:

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси — барча турдаги солиқлар, йиғимлар, божлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ягона ижтимоий тўлов, шунингдек божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно;

2008—2012 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар — қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга — бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан, шунингдек сотиб олинадиган мелиорация техникаси учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 29 октябрь,
ПФ-3932-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

441 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ–499-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Республика йўл фондига йиғимлар тўлаш бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш ҳамда тўловлардан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ–499-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 36-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўлда бошқаришга мослаштирилган енгил автомобиль ва/ёки мотоколяска сотиб оладиган барча гуруҳ ногиронлари;».

2. Белгилансинки, киритилаётган ўзгартиш 2007 йилнинг 1 ноябридан кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 22 октябрь,
ПҚ–714-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

442 Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш тўғрисида» 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3930-сон Фармонини бажариш юзасидан:

1. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

барча турдаги транспортлар — темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортнинг транспорт тузилмалари фаолиятини мақбуллаштиришга йўналтирилган ўзаро ҳаракатини мувофиқлаштириш, республика ҳудудида ва унинг ташқарисида юк ҳамда йўловчилар ташиш самарадорлигини ва оқилона ташкил этилишини таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг ҳавода ҳамда ерда юк ва йўловчилар ташишга бўлган доимий равишда ортиб бораётган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Ягона ўзаро боғлиқ республика транспорт тизимини истиқболли ривожлантиришнинг комплекс дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

транспорт тармоқларини ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал равишда қуриш, уларнинг транспорт воситаларини ўтказиш қувватини ошириш ва самарали фойдаланилишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

республика транспорт тизими фаолият кўрсатишининг барқарорлиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун 1-иловага* мувофиқ таркибда тугатиш Комиссияси тузилсин.

Тугатиш комиссияси (Ханов):

Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин;

тугатиш жараёнида Уюшма мол-мулкнинг сақланишини ва улардан мақсадли фойдаланилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Уюшма мол-мулкнинг сотилишини, кейинчалик кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган маблағларнинг Уюшма муассисларига уларнинг қўшган бадалларига мутаносиб равишда қайтарилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 16 «а» уй манзилида жойлашган бино Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бинолардан фойдаланиш дирекцияси балансига бепул ўтказилади, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 декабрдаги 579-ф-сон фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси балансидаги майдонлар бундан мустасно.

Белгилансинки, балансга ўтказилаётган бино қиймати қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин ва баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 24 октябрь,
ПҚ-715-сон

* 1-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 24 октябрдаги
ПҚ-715-сон қарорига
2-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарори 5-илувасидаги «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линияси қурилиши лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 30 ноябрдаги 559-сон қарори:

5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси (Р.Ф. Файзуллаев) ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-илувасидаги «Р.Ф. Файзуллаев — Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг раиси, комиссия раисининг ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини йўқотган қарорлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 470-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 96-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 15 февралдаги 64-сон қарори иловасининг 5-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

443 Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясидан фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, 2007 йилнинг 1 сентябрига келиб «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси биринчи босқичининг қурилиши якунланди, натижада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаб турувчи ягона ва яхлит темир йўл коммуникациялари тизими шаклланди. Мазкур ҳудуднинг бой минерал-хом ашё ресурслари конларини самарали ва комплекс равишда ўзлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор ҳамда жадал иқтисодий ўсиш ва инсонлар фаровонлигини ошириш, экспорт сало-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

хиятини ўстириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларига, энг аввало Трансафғон темир йўл коридори орқали, бир вақтнинг ўзida Ўзбекистоннинг транзит ҳаракатидаги ролини ошириш билан тўғридан-тўғри Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш имконияти пайдо бўлди.

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линиясидан самарали, ишончли ва бехатар фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

2007 йилнинг 15 сентябридан бошлаб «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ишчи комиссияларининг далолатномаларига мувофиқ «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси орқали юк ташиш поездларининг тўхтовсиз ҳаракати очилган;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси томонидан юкларни темир йўл орқали ташиш тарифлари келишиб олинган;

«Россия темир йўллари» ОАЖ лойиҳалар ва сметаларни экспертиза қилиш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасидаги «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишининг айрим масалалари бўйича эксперт хулосаси олинган;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси объектларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор чора-тадбирлар белгиланган.

2. Поездлар ҳаракатини вагонларга техник ишлов бериш ва тайёрлашни, локомотив бригадалари ишини, йўлларга ва йўл хўжалигига хизмат кўрсатишни, сигнализация ва энергия таъминоти тизимини ташкиллаштиришнинг аниқ тартибини назарда тутувчи «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси орқали юк ташиш поездларининг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этишнинг муваққат тартиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 ноябрдаги 559-сонли қарори билан тасдиқлаган тармоқ жадвалига мувофиқ «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линиясининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси объектлари қурилишини компаниянинг ўз шахсий маблағлари ва Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан таъминласин;

мураккаб тоғ шароитларида темир йўлларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш масалаларида тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий лойиҳалаштириш ташкилотини жалб этган ҳолда қабул қилинган техник ечимларнинг ишончилигини ва объектлардан фойдаланиш хавфсизлигини аниқлаш бўйича лойиҳанинг мустақил экспертизасини ўтказсин.

4. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линияси қурилишининг боришини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Республика комиссияси раиси (Мирзиёев) ҳамда қурилаётган темир йўл линиясида лойиҳа ечимлари ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссия раиси (Йўлдошев):

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилиши масалалари бўйича қабул қилинган ечимларни бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин;

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси объектлари қурилиши

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ҳамда қурилиш ва фойдаланиш қоидалари ва стандартлари талабларига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин.

5. Худуднинг мураккаб табиий шароитлари ва ишлар доимо ҳаракатда бажарилишини эътиборга олиб, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси тўлиқ қуриб битказилгунга қадар, мазкур темир йўл линиясидан фойдаланишда бевосита банд бўлган барча тоифадаги ходимлар иш ҳақиға Қашқадарё вилояти бўйича 1,4 ва Сурхондарё вилояти бўйича 1,3 миқдорида коэффициент белгилансин.

6. Объектнинг тўлиқ қурилиб битказилиши ва белгиланган тартибда Давлат комиссиясига топширилишига қадар, бўшайдиган маблағларни ташкилий даврда темир йўл янги участкаларини обод қилишга мақсадли йўналтирган ҳолда, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси орқали юкларни ташишдан оладиган даромади бўйича фойда солиғидан ҳамда Республика йўл фондига ажратмалар тўлашдан истисно тариқасида озод қилинсин.

7. Қашқадарё (Зайниев) ҳамда Сурхондарё (Эшмуродов) вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда янги темир йўл линияси бўйлаб ишончли хавфсизлик ҳудудини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

—
**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

+

Тошкент ш.,
2007 йил 26 октябрь,
ПҚ-717-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

444 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда мелиорация ишларини молиялаштиришнинг принципиал янги механизминини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Куйидагилар:

бошқарув ходимларининг чекланган сони 60 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашининг таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлига зарур ҳолларда ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти тузилмасига ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

2. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментига:

Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган, лойиҳа-қурилиш ҳужжатлари тегишли равишда экспертизадан ўтказилмасдан амалга оширилаётган ёки Жамғарма маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда ҳар қандай ишларни тўхтатиб қўйиш;

магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларда амалга оширилаётган реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари устидан техник назорат олиб бориш;

бажарилган ишлар ҳажмини назорат тартибида мунтазам асосда ўлчаш, шунингдек Жамғарманинг мелиоратив ишларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилишини ҳужжатлар асосида текшириш ва тафтишлар ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти Тошкент шаҳар, Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уйга жойлаштирилсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментини ҳукумат алоқаси ва шаҳар алоқаси воситалари билан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ


Тошкент ш.,
2007 йил 31 октябрь,
ПҚ-718-сон

* 2-илова берилмайд.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги
ПҚ-718-сон қарорига
1-ИЛОВА

444-модда

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг
мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментининг тузилмаси**



— 12 —

44 (284)-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги
ПҚ-718-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш
жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони билан ташкил этилган ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва мелиоратив техникани сотиб олишга ажратиладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамловчи давлат органи ҳисобланади.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Суғориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш дастурлари (лойиҳалари)ни ҳамда мелиоратив объектларнинг зарур даражадаги техник ҳолатини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни, молиялаштириш, шунингдек мелиоратив техникани сотиб олиш учун маблағларни жамлаш ва улардан самарали фойдаланиш жамғарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

4. Қўйидагилар Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Давлат бюджетига тушадиган маблағлар;

мақсадли бюджет маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;

маҳаллий ва хорижий грантлар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар.

5. Жамғарма маблағларидан фақат қўйидаги мақсадларга:

магистрал (вилоятлараро) туманлараро ва хўжаликларо очик коллекторлар, вертикал дренаж қудуқлар, мелиоратив насос станциялари ва кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция, таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида ёпиқ горизонталь дренаж шохобчаларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишга;

ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурига киритиладиган лойиҳаларнинг амалга ошириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ҳужжатларини ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланув-

чилар уюшмаларини мелиорация техникаси саройини яхшилашга маблағни қайтариб бериш асосида, шу жумладан узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартларида молиялаштириш тадбирларига;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурларида назарда тутилган бошқа ишларга йўналтирилган ҳолда фойдаланилади.

6. Жамғарманинг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Х. Сулаймонова кўчаси, 29.

II. Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар мазкур Жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳажмда Жамғарма ҳисобварағида жамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ, мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукаммал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш;

мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда қаттиқ назоратни амалга ошириб бориш.

8. Жамғарма ўз зиммасига юкланган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги функцияларни бажаради:

консолидация қилинган Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун даромадлар ва харажатларнинг ҳар йилги баланслари лойиҳаларини ишлаб чиқади, белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

ҳар бир чоракка тақсимлаган ҳолда келгуси йил учун Жамғарма бўйича харажатларнинг тасдиқланган параметрларини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига етказди;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Жамғармага тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш ишларини амалга оширади;

мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунинг-

дек мелиорация техникаси сотиб олиш юзасидан техник топшириқларни беради ва тасдиқлайди;

мелиоратив объектларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, шунингдек мелиорация техникаси сотиб олиш бўйича лойиҳалаш ва тендер ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, лойиҳалаш-кидириш ва илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек мелиорация техникаси сотиб олиш бўйича аниқ манзилли рўйхатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

мелиоратив экспедициялар тақдимиға кўра мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари дастурларини ва харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

мелиоратив экспедициялар тақдимиға кўра мелиоратив объектларда авария-тиклаш ишларига захира харажатлари сметаларини тасдиқлайди;

мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда белгиланган тартибда қатнашади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал (вилоятлараро) мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари, шунингдек мелиорация техникаси сотиб олиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради;

туманлараро ва ҳўжаликлараро мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш, лойиҳа-кидирув ишларини амалга ошириш бўйича мелиоратив экспедициялар томонидан буюртмачи функциялари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

мелиоратив объектларни, магистрал (вилоятлараро) ва туманлараро коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, мелиорация техникасини сотиб олиш юзасидан тендер (танлов) савдоларини белгиланган тартибда ўтказиш, танлов савдолари ғолиблари билан белгиланган тартибда шартномалар тузади;

туманлараро ва ҳўжаликлараро мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича ҳудудий мелиоратив экспедициялар томонидан ташкил этиладиган тендер (танлов) савдоларида белгиланган тартибда қатнашади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш ва тиклаш, мелиорация техникаси сотиб олиш устидан молиявий назоратни амалга оширади;

магистрал (вилоятлараро) мелиоратив объектларда реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек уларнинг белгиланган тартибда қабул қилиб олинишини таъминлайди;

туманлараро ва ҳўжаликлараро мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек уларни қабул қилиб олиш ишлари устидан техник назоратни амалга оширишда қатнашади;

Жамғарма маблағларининг мақсадли ва сарфланиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши масалалари бўйича ташкилотлар ва корхоналар фаолиятини назорат ўлчовларини, шунингдек ҳужжатли текшириш ва тафтишларни мунтазам асосда амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича текширишларда аниқланган қонун бузилишлари ва камчиликларини бартараф этиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли санкцияларни ўрнатилган тартибда белгилаш бўйича тартиблар киритади;

жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тегишли органларга тасдиқлаш учун киритади;

аниқ манзилли рўйхатларга киритилган мелиоратив объектларда бажарилган ишларни белгиланган тартибда молиялаштиради.

III. Жамғармани ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Жамғарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бажарилган мелиоратив ишларни назорат тартибида ўлчашни ва бошқа текширишларни ўтказиш учун тегишли вазирликлар ва идораларни, ваколатли банклар, ташкилотлар, корхоналар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш; қуйидагилардан:

Давлат солиқ қўмитасидан — ҳисобланган ажратмалар ва уларнинг тушиши тўғрисидаги маълумотларни;

хизмат кўрсатувчи банклардан — Жамғарма маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг бўлинмаларидан — Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича йиллик бухгалтерия ва статистик ҳисоботни сўраш ва олиш;

лойиҳа-қурилиш ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказмасдан Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган ҳар қандай ишларни ёки Жамғарма маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда тўхтатиб қўйиш.

Жамғарма қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юкланган функцияларни амалга ошириш доирасида бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

10. Жамғарма қуйидагиларга мажбур:

мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари (лойиҳалари)нинг оқилона шакллантирилишини таъминлаш;

Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Жамғарма даромадлари прогнози бажарилишининг ахволини таҳлил қилиш ва даромадларнинг нормал тушишига салбий таъсир қилган аниқланган омиллар асосида уларни бар-
— тараф этиш бўйича биргаликда чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мелиоратив объектларнинг зарур даражадаги техник ҳолатини таъминлашда ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда кўмаклашиш.

+

IV. Жамғармани бошқариш Кенгаши

11. Жамғарма Кенгаши Жамғарманинг юқори органи ҳисобланади. Жамғарма Кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

12. Жамғарма Кенгаши:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

Жамғарманинг ижро этувчи органи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг белгиланган тартибда тасдиқланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари (лойиҳалари)дан келиб чиқиб, Жамғарма маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишлар тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади, қарорлар қабул қилади ва уларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Жамғарманинг ижро этувчи органи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят-

лар ҳокимликларининг амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг мелиорация экспедициялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури амалга оширилиши учун ажратилган Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг даромадлари ва харажатларини шакллантириш тартибини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ижроси, шунингдек Жамғарма томонидан буюртмачи функциялари бажарилиши, мелиоратив объектларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш устидан молиявий назоратни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

V. Жамғарманинг ижро этувчи органи

13. Жамғармани бошқариш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади. Департаментнинг ташкилий тузилмаси ва штатдаги ходимлар сони қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.

Департаментнинг таъминоти Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Департамент юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, хизмат кўрсатувчи банкда ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкларга эга бўлади.

14. Департамент Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботини тузади ва Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

15. Департаментга молия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ҳамда моддий таъминоти, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазир ўринбосарига тенглаштириладиган директор бошчилик қилади.

16. Департамент директори:

Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ Департамент фаолиятининг зарур даражада ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради.

Жамғарманинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши масалалари бўйича назорат тартибидаги ўлчашларни ўтказиш, шунингдек ташкилотлар ва корхоналар фаолиятини ҳужжатлар асосида текшириш ва тафтиш қилиш тўғрисида қарор қабул қилади, уларнинг натижаларини кўриб чиқади, улар асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қилади ва зарур чоралар кўради;

белгиланган тартибда тасдиқланган лимитлар доирасида Департаментнинг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Жамғарма маблағларини тўплаш ва сарфлаш масалаларига оид тушунтириш-

лар беради, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

445 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

1. Қуйидагилар:

Россия Федерациясидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган мигрант ишчилар ва Ўзбекистон Республикасидаги Россия Федерацияси фуқаролари бўлган мигрант ишчиларнинг меҳнат фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган ноқонуний миграцияга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган реадмиссия ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида реадмиссия тўғрисидаги Битимни амалга ошириш учун ваколатли органлар этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарлари мазкур халқаро шартномалар кучга киргандан сўнг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 31 октябрь,
ПҚ-719-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

446 Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 28 февралдаги ПК–294-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек аҳолига йўловчи ташиш транспортда транспорт хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, йўловчилар ташишда буюртмачи ва пудратчи функцияларини чегаралаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент вилояти ҳокимлигининг эксперимент тариқасида Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментини (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Департаментнинг асосий ва устувор вазифалари этиб белгилансин:

йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбуллаштириш, шаҳарларда ва шаҳарлар атрофида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиялаш ҳуқуқи билан йўловчи ташиш бўйича буюртмачи функцияларини бажариш, шунингдек Тошкент вилояти доирасида йўловчиларни шаҳарларда, шаҳарлар атрофида ва шаҳарлараро ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерларни ташкил этиш;

рақобат муҳитини шакллантириш ва барча йўловчи ташувчиларнинг транспорт хизматлари бозорига кириши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, жамоат транспорти иши самарадорлигини ва натижадорлигини баҳолаш, йўловчи ташиш хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

Тошкент вилояти ҳокимлигига шаҳар автобус ва электр транспортда йўловчилар ташишга чекланган тарифларни белгилаш тўғрисида молия органлари билан келишилган таклифлар киритиш, уларга қатъий риоя этилишини назорат қилиш;

йўловчи ташиш транспорти субъектлари (таксидан ташқари) учун чипта тизimini жорий этиш, йўл чипталарини, карточкаларини, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифаларига транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тайёрлаш;

Тошкент вилояти шаҳарларида йўловчи ташишни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, шу жумладан ер усти йўловчи транспортда ҳақ тўланишини ҳисобга олиш ва шаҳар йўловчи ташиш транспорти йўналишларида назорат тизимини автоматлаштириш.

3. Қуйидагилар:

Департамент ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳара-

катини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти тўғрисидаги низом 2-ило-
вага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча
турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини
молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

йўловчи ташувчилардан шаҳар йўловчи ташиш транспорти объектлари томо-
нидан кўрсатилаётган хизматлар ва улардан фойдаланганлик учун контрактларда
назарда тутилган миқдорларда тушадиган маблағлар;

лицензиялар берилганлиги учун давлат божининг бир қисми, лицензия бериш
тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилганлиги учун йиғимлар;

тендер ҳужжатлари пакетларини сотиб олганлик учун йўловчи ташувчилардан
тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш учун Ўзбекистон автомо-
биль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан берилган
лицензиялар уларнинг муддати тугагунга қадар Тошкент вилояти доирасида ишлаш
учун ҳақиқийдир.

6. Департамент Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан
келишган ҳолда бир ой муддатда Тошкент вилоятида шаҳарларда ва шаҳарлар атро-
фида йўловчилар ташишни лицензиялаш учун лицензия ва лицензия карточкалари
намуналарини тайёрласин.

7. Қуйидагилар:

«Тошвилтранс» Тошкент вилояти юк ва йўловчилар ташиш ҳудудий уюшмаси
қатнашчилари томонидан уюшмани 3-иловага мувофиқ қатнашчилар таркибига ва
ташкилий тузилмага эга бўлган «Тошвилтранс терминал» Тошкент вилояти автомо-
билда йўловчи ва юк ташувчилар ҳамда автотерминаллар уюшмаси этиб қайта таш-
кил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги;

Уюшма таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадалла-
ри ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар унинг ижро этувчи
аппарати таъминоти манбалари ҳисобланиши;

қуйидагилар:

бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришни таъминлаш, аҳолининг йўловчи
ва юк ташиш автотранспорти хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, иқти-
содиёт ва аҳолига барқарор автотранспорт хизматлари кўрсатиш учун шарт-шаро-
итлар яратиш;

автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркибини янгилаш, замонавий тех-
ника ва технологияни жорий этиш, таъмирлаш базасини ривожлантириш ва модер-
низация қилиш, ҳаракатдаги таркибдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича
инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш;

юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги, ҳаракатдаги таркибни техник жиҳат-
дан соз ҳолатда сақлаш, автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ҳамда ҳай-
довчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича талабларнинг уюшма қатнашчилари
бўлган корхоналар томонидан бажарилишини таъминлаш;

транспорт корхоналари мол-мулки, шу жумладан автотранспорт воситалари
сақланиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланиши мониторингини олиб бориш;

йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, автотранспорт
хизматлари сервисини кенгайтириш Уюшманинг асосий вазифалари этиб белгилан-
ганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Департаментни ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ масалалар бир ой муддатда ҳал этилишини таъминласин;

2008 йилдаги ишлар якунлари бўйича ушбу қарорнинг бажарилиши ва эксперимент натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 1 ноябрь,
229-сон

+

-

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 1 ноябрдаги 229-сон сон қарорига
1-ИЛОВА

446-модда

— 22 —

44 (284)-сон

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари
ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ижро этувчи аппарати
тузилмаси**



Ходимларнинг умумий сони — 50 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 42 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 1 ноябрдаги 229-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг
барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш
департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчилар ташиш бўйича фаолиятни лицензиялаш, йўловчилар ташиш транспорти соҳасидаги фаолиятни бошқариш ва мувофиқлаштириш, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ҳамда йўналишлар ва тармоқларни мақбуллаштириш, йўловчилар ташиш бозорида йўловчи ташувчиларнинг эркин рақобати учун шарт-шароитлар яратиш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаган ҳолда кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига ва йўналишларнинг иш жадвалларига риоя қилиш, ҳайдовчилар таркибининг транспорт воситаларини сақлашдан манфаатдорлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун ваколатли таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Департамент ўз фаолиятида Тошкент вилояти ҳокимлигига ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига ҳисоб беради.

2. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Департаментнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти;

рус тилида — Департамент по лицензированию и координации движения всех видов пассажирского транспорта хокимията Ташкентской области.

4. Департамент юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга, рамзга ва бошқа хизмат атрибутларига, шунингдек ўз фаолияти учун зарур бўлган реквизитларга эга бўлади.

5. Департамент ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мулк билан жавоб беради.

II. Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

йўловчи ташиш транспорти барча турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбул ҳолга келтириш, Тошкент вилояти доирасида йўловчилар ташиш фаолиятига лицензиялар бериш ҳуқуқига эга бўлган

ҳолда йўловчи ташиш бўйича буюртмачи функцияларини бажариш, шунингдек йўловчилар ташиш йўналишларини қатъий тендер асосида белгилаш;

рақобат муҳитини шакллантириш ва барча йўловчи ташувчилар транспорт хизматлари бозорида тенг шароитлар яратиш, жамоат транспорти иши самарадорлиги ва натижасини баҳолаш;

Тошкент вилояти ҳокимлигига шаҳарлар автобус ва электр транспортида йўловчилар ташишга чекланган тарифлар белгилаш бўйича молия органлари билан келишилган таклифлар киритиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

йўловчи ташиш транспорти субъектлари (таксидан ташқари) учун чипта тизимини жорий этиш, йўл чипталарини, карточкаларини, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифаларига транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тайёрлаш;

Тошкент вилояти шаҳарларида йўловчилар ташишнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий этиш, шу жумладан ерусти йўловчи транспортида йўл ҳақи тўлаш ҳисоб-китоби тизимини автоматлаштириш ва шаҳарлар йўловчи ташиш транспорти ҳаракат йўналишларида назорат ўрнатиш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Тошкент вилоятида йўловчи ташиш транспорти барча турлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

йўловчи ташишнинг ягона буюртмачиси вазифасини бажаради, йўловчилар оқими бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш асосида вилоят ичидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларнинг зарур миқдорини белгилайди, йўналишли ва енгил автомобиль таксиларнинг мақбул сони билан узвий боғлаган ҳолда асосий йўловчилар оқимларини тартибга солади, йўналишларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Тошкент вилоятида автомобиль транспортида шаҳарларда ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш фаолиятига лицензия беради;

Тошкент вилояти доирасида шаҳарлар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш бўйича очиқ тендерлар ташкил қилади, тендер қолиблари билан йўналишда йўловчилар ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан контрактлар тузади;

Тошкент вилоятида йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этади ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

йўловчи ташувчиларга йўловчи терминалларининг самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланиши, ягона тизим сифатида транспорт жараёнига диспетчерлик раҳбарлиги ҳамда ҳаракатдаги таркиб сифимидан самарали фойдаланиш, шунингдек йўловчи, багаж ташиш норма ва қоидаларига риоя қилиш ва йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўмаклашади;

халқаро нормаларни ҳисобга олган ҳолда йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш стандартлари, қоидалари, шакллари ва методлари бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантиради;

Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, молия органлари ҳамда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда йўловчи транспортида йўл ҳақи тарифларини шакллантиради;

йўловчи транспортининг барча турлари учун (таксидан ташқари) йўл чипталари, карточкалари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим

тоифаларига автобуслар ва троллейбусларда имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларнинг ягона шакллари белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, йўл карточкалари миқдори ва турларини, шунингдек йўл карточкаларини тарқатувчи корхоналар рўйхатини келишади;

ҳаракатдаги таркиб паркини янгилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқишда, хизматнинг норматив амортизация муддатида юқори даражада фаол фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаларининг ўз харажатларини ўзи қоплаши бўйича прогноз ҳисоб-китобларни амалга оширишда йўловчи ташувчиларга методологик ва консультатив ёрдам кўрсатади;

йўловчи ташувчиларнинг белгиланган шакллар бўйича ҳисоботларини йиғиш ва умумлаштиришни, улар томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини ташкил қилади, йўловчи ташувчиларнинг транспортдан фойдаланиш ва молия-ҳўжалик фаолияти кўрсаткичларини келишилган шакллар ва муддатлар бўйича Тошкент вилояти ҳокимлигига ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига тегишли ҳисоботларни тақдим этади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тендер савдолари натижалари бўйича тузилган контрактлар шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

фавқулодда вазиятларда, шунингдек хизмат кўрсатиш ҳуқуқини йўқотган битта ташувчидан йўналишларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқларини тендер асосида аниқланадиган бошқа ташувчига бериш ўртасидаги даврда кўрсатиб ўтилган йўналишларга (тендерсиз) тўлиқ ёхуд қисман хизмат кўрсатиш ҳуқуқини ваколатли ташувчиларга уч ойдан кўп бўлмаган муддатга вақтинчалик бериш;

йўловчи ташувчига аниқланган қоида бузилишларини бартараф этиш вазифасини юқлайдиган қарорлар чиқариш ва уларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисида давлат тегишли органларига таклифлар киритиш.

IV. Департаментни бошқариш

9. Департаментни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Тошкент вилояти ҳокими томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошқаради. Бошлиқнинг икки нафар ўринбосари бўлади, уларни бошлиқ Тошкент вилояти ҳокими билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

10. Департамент бошлиғи:

Департамент фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурат бўлганда, Департаментнинг бошқарув аппарати тузилмасига тасдиқланган ходимлар сони ва уларнинг таъминоти харажатлари сметаси доирасида ўзгартиришлар киритади;

Департамент ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

11. Департаментнинг бўлимлари ва хизматлари ўз фаолиятини Департамент бошлиғи томонидан тасдиқланадиган низомлар ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ амалга оширади.

V. Моддий рағбатлантириш шакли ва тизими

12. Департамент Тошкент вилояти ҳокимлиги билан келишган ҳолда Департамент ходимларининг штат жадвалини тасдиқлайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни моддий рағбатлантириш тизими ва шаклини белгилайди.

VI. Департаментнинг мулки ва молиявий маблағлари

13. Департамент ўзига биркитилган давлат мулкига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширади.

14. Қуйидагилар Департамент фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

йўловчи ташувчилардан шаҳар ва шаҳар атрофи йўловчи ташиш транспорти инфратузилмаси объектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва улардан фойдаланганлик учун контрактларда назарда тутилган миқдорлардаги тўлов ҳисобига тушадиган маблағлар;

лицензиялар берилганлиги учун давлат божининг бир қисми, лицензия бериш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилганлиги учун йиғимлар;

тендер ҳужжатлари пакетларини сотиб олиш учун йўловчи ташувчилардан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

VII. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат

15. Департамент ўз фаолияти натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.

Бухгалтерия ва статистика маълумотлари ишончли бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва шакллар бўйича тақдим этилиши керак.

16. Департамент фаолиятини текшириш қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

VIII. Департаментни қайта ташкил этиш ва тугатиш

17. Департаментни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

+



Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 1 ноябрдаги 229-сон қарорига
3-ИЛОВА

44 (284)-сон

— 27 —

446-модда

«Тошвилтранстерминал» уюшмасининг ташкилий тузилмаси



таркибий бўлинмалар



шартнома шартларида

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 1 ноябрдаги 229-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 йил, 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатига «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» бўли-мидан кейин қуйидаги мазмундаги бўлимлар қўшилсин:

**«Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчилар ташиш
транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва
мувофиқлаштириш департаменти**

Тошкент шаҳрида йўловчиларни автомобиль транспортида шаҳарда ташиш.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчилар ташиш
транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва
мувофиқлаштириш департаменти**

Тошкент вилояти доирасида йўловчиларни автомобиль транспортида шаҳарларда ва шаҳарлар атрофида ташиш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори билан тас-диқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, ша-ҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 йил, 7-сон, 51-модда):

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар-да лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар лицензияловчи органлар томонидан:

Ўзбекистон Республикасида йўловчилар ва юкларни шаҳарлараро ва халқаро ташишлар бўйича — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейин-ги ўринларда «Агентлик» деб юритилади) томонидан;

йўловчилар ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ташишлар бўйича (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилояти шаҳарларида йўловчиларни ташиш бундан мустасно) — Агентликнинг ҳудудий бўлимлари томонидан;

Тошкент шаҳрида йўловчиларни шаҳарда ташиш бўйича — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчилар ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини ли-цензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда «Департамент» деб юритилади) томонидан;

Тошкент вилояти доирасида йўловчиларни шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш бўйича — Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчилар ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда «Департамент» деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳарлараро ва халқаро ташишларни амалга оширишга лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Агентликда эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясининг фаолияти Агентлик томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

б) 9-банднинг «ж» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ж) тендерлар натижалари бўйича, ваколатли органлар билан шартнома асосида, шу жумладан Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилояти доирасида тегишли Департамент билан шартнома асосида йўловчиларни автомобилда мунтазам ташиш (йўналишли таксилардан ташқари)».

+

-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

447 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 октябрда 1699-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 8 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрдаги ПФ–3921-сонли «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламиз:

1. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37 ва 74 сонли, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (2007 йил 23 июль, рўйхат рақами 1699 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 29-30-сон, 314-модда) иловага мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 26 октябрь,
М-42-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 26 октябрь,
97-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг
2007 йил 26 октябрдаги
М-42, 97-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги
ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи,
пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини
ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта
ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиш**

1. 2-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. 2007 йилнинг 1 октябридан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatга оли-
нади ($15525 \text{ сўм} \times 8 = 124200 \text{ сўм}$)».

2. 6-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2007 йилнинг 1 октябридан янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ой-
лик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (124200 сўм)».

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

**448 Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал
авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидала-
рини тасдиқлаш тўғрисида (ЎзР АҚ-160)**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
29 октябрда 1734-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 8 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 30-моддасига мувофиқ, шунингдек
Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи
меъёрий ҳужжатларни ИКАО стандартлари ва тавсияларини инobatга олган ҳолда
такомиллаштириш мақсадида **буйраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромла-
рини сертификатлаш қоидалари» (ЎзР АҚ-160), иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

3. Мазкур қоидалар амалга киритилган вақтдан бошлаб, Дававианазорат бош-

лиги томонидан 2000 йил 28 январь куни тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аэродромларини сертификатлаш бўйича қўлланма» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

Х. ТРОБОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 10 сентябрь,
138-сон

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил
10 сентябрдаги 138-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал
авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари»
(ЎзР АҚ-160)**

— Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, ХФАТ (ИКАО) Чикаго конвенциясига (14-илова) мувофиқ, парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, аэродромларни сертификатлаштириш ва уларни кейинги эксплуатация жараёнида ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлаш даражасида тутиб туриш учун бажарилиши лозим бўлган сертификатлаш талабларининг ягона тартибини белгилаб беради.

+

I. Умумий қоидалар

§ 1. Асосий тушунчалар ва қисқартмалар

1. Мазкур Қоидалар мақсадида қуйидаги асосий тушунчалар ва қисқартмалардан фойдаланилади:

АҚ — Авиация қоидалари

АҚИ — Авариядан қутқариш ишлари

АФҚ — Антенна-фидер қурилмаси

Дававианазорат — Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси

ЁСУ — Ёруғлик-сигнал ускунаси

ПҚАҚТХ — Парвозларни қидириш-авариядан қутқариш таъминоти хизмати

ПЭЁТТ — Парвозларни электр-ёритиш техник таъминоти

РТУАЭ — Радиотехник ускуналар ва алоқа эксплуатацияси

ХФАТ (ИКАО) — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти

Аэродром — Парвозлар хавфсизлигини таъминловчи ён-атроф ҳамда чекка зоналар ва шу зоналарда жойлашган, ҳаво кемаларининг учиши, қўниши, бурилиши, тўхтаб туриши ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган зарур бино, иншоотлар ва анжомларга эга қуруқликдаги ёки сув сатҳидаги махсус жиҳозланган майдон

Аэродром сертификати — Дававианазорат томонидан берилган, аэродромнинг амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқлигини тасдиқлайдиган ва унинг эгасига аэродромни эксплуатация қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат

Аэродромни сертификатлаш — аэродромларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ва парвозларнинг хавфсизлигини таъминлай олиш хусусиятини аниқлайдиган расмий жараён

Аэродром эксплуатанти — Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан ўзга давлатнинг муайян аэродромга мулк ҳуқуқи асосида (аэродром эгаси), ижара шартномасига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилувчи ҳамда аэродромнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлган юридик шахси ёки фуқароси

Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш — Дававианазорат томонидан сертификатнинг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш бўйича расмий жараён, бунда сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга олиб келган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг уни тиклаш ҳуқуқи берилади

Сертификатлаш талаблари — аэродром эксплуатанти томонидан парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун бажарилиши шарт бўлган техник ва ташкилий талаблар йиғиндиси.

2. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси аэродромлари давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган барча фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларига, шунингдек фуқаро ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишни амалга оширадиган ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродромларига татбиқ этилади.

3. Фуқаро ва экспериментал авиацияга мўлжалланган аэродромлар сертификатланиши шарт.

Аэродромлардан авиация ташувларини бажарадиган ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатиш мақсадида фойдаланиш фақатгина аэродромнинг амалдаги сертификати асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Аэродромларни сертификатлаштириш Дававианазорат томонидан ушбу Қоидаларга мувофиқ бепул амалга оширилади*.

5. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларининг фойдаланишга яроқлилиги нормалари» (ЎзР АҚ-153), «Парвозларни радиотехник таъминлаш ва авиация электралоқаси» (ЎзР АҚ-176), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиациясини метеорологик таъминлаш» (ЎзР АҚ-180) ва авиация қоидаларида белгиланган талаблар ушбу Қоидалар мақсадлари учун сертификатлаш талаблари ҳисобланади.

6. Аэродром асбоб-ускуналари Давлатлараро авиация қўмитаси ёки ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи) мамлакат авиация маъмурияти томонидан берилган сертификатга эга бўлиши керак.

7. Фуқароларни ташиш учун мўлжалланган аэродром йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қўшимча талабларга ҳам жавоб бериши лозим.

* Изоҳ: Халқаро аэропорт аэродромларини сертификатлашдан ўтказиш Давлатлараро авиация қўмитаси томонидан амалга оширилади.

II. Сертификатлаш тартиби

§ 1. Умумий қоидалар

8. Аэродромни сертификатлаш тартиби қуйидаги босқичлардан иборат:

- а) аризани қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- б) аризани олдиндан кўриб чиқиб, ариза берувчига уни қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда билдириш;
- в) аризани ва асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва аниқланган камчиликлар тўғрисида ариза берувчига ёзма равишда билдириш;
- г) ариза берувчидан асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш вақтида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва камчиликлар бартараф этилганлигини текшириш;
- д) аэродромнинг сертификатлаш талабларига мувофиқлигини жойига чиқиб текшириш ва уларнинг натижалари бўйича далолатнома тузиш;
- е) аэродром эксплуатантдан сертификатлаш бўйича текшириш ўтказиш вақтида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиб олиш;
- ж) аэродромни такроран текширишдан ўтказиш (зарур бўлган ҳолларда);
- з) текшириш натижаларига кўра аэродромга сертификат бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор лойиҳасини тайёрлаш.

9. Аэродром эксплуатанти сертификатлашлар оралиғидаги давр мобайнида қуйидагилар ўзгарганлиги тўғрисида ушбу ўзгаришлардан сўнг бир ой ичида Дававианазоратга ёзма равишда билдириши керак:

- а) юридик шахс мақоми ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги;
- б) мулкчилик шакли ўзгарганлиги;
- в) бошқа муассаса ихтиёрига ўтганлиги.

10. Аэродром сертификатининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, ўн кунлик муддат ичида сертификат Дававианазоратга қайтариб берилиши керак.

§ 2. Сертификатлаш учун ариза бериш

11. Аэродром эксплуатанти томонидан сертификатлаш тўғрисида ариза мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasида кўрсатилган шаклда тақдим этилади.

12. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) аэродромни сертификатлашда ариза берувчининг мажбуриятлари (2-иловага мувофик);

б) асословчи ҳужжатлар, парвозларни радио ва ёритиш-техник таъминоти воситаларини ер устида ва парвозда текшириб кўрилганлиги тўғрисидаги далолатномалар (3-иловага мувофик шаклда);

в) Аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқнома.

13. Сертификатлаш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Дававианазорат томонидан кўриб чиқилиши учун асос ҳисобланади. Ушбу Қоидаларнинг 12-бандида келтирилган ҳужжатлар тўлиқ илова қилинмаганда кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

14. Ариза ва унга илова қилинадиган барча ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки уларнинг нусхалари тақдим этилади.

15. Аэродром сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза амалдаги сертификатнинг муддати тугашидан икки ой олдин берилади.

16. Аризани тайёрлаш ариза берувчи томонидан амалга оширилади. Аризачи аризада ва илова қилинган ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

17. Ушбу Қоидаларнинг 12 ва 14-бандлари талаблари бажарилмаганда Дававианазорат аризани кўриб чиқишни рад этиши мумкин.

§ 3. Аризани дастлабки баҳолаш ва асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш

18. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни дастлабки баҳолаш у рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида амалга оширилади. Агар ушбу муддат ичида ариза қабул қилинадиган ёки рад этиладиган бўлса, бу ҳақида ариза берувчига ёзма хабарнома юборилади.

19. Аризани ва илова қилинган ҳужжатларни дастлабки баҳолашда қуйидагилар текширилади:

а) аэродром ва унинг элементларининг амалдаги сертификатлаш талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ахборотларнинг етарлилиги;

б) аэродромдан фойдаланиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ва уларнинг белгилаб қўйилган талабларга мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар;

в) асословчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги.

20. Ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатларни дастлабки баҳолаш натижалари салбий бўлганда ариза берувчига унинг аризаси қайтариб берилишининг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда хабарнома юборилади.

21. Асословчи ҳужжатларнинг экспертизаси аэродром элементлари ва унинг асбоб-ускуналарининг сертификатлаш талабларига мувофиқлигини текширишдан иборат.

22. Алоҳида ҳолларда, аэродромларнинг сертификатлаш талабларидан четга чиқишига йўл қўйилади, бунда йўл қўйилган четга чиқишлар ўрнига парвозларнинг мос равишдаги хавфсизлик даражасини таъминлайдиган тадбирларнинг киритилиши шарт.

Бундай ҳолларда ариза берувчи, уни Дававианазоратнинг мазкур четга чиқиш тасарруфига кирадиган тегишли бўлинмаси билан келишган ҳолда, мазкур Қоидаларнинг 4-иловасида келтирилган шакл бўйича парвоз хавфсизлигининг мос равишдаги даражасини таъминлаши ҳақидаги хулосасини тайёрлайди.

23. Асословчи ҳужжатлар бўйича камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, ариза берувчи уларни сертификатлаш текшируви тугагунга қадар бартараф этиши шарт.

24. Асословчи ҳужжатлар экспертизаси ижобий баҳоланиши натижаларига кўра Дававианазорат томонидан ариза берувчини сертификатлаш текширувидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади, бунда ариза берувчи билан келишилган ҳолда уни ўтказиш муддатлари белгиланади ва мазкур Қоидаларнинг 5-иловасидаги шакл кўринишида ариза берувчига йўлландиган қарор қабул қилинади.

§ 4. Сертификатлаш текширувини ўтказиш

25. Аэродромни текшириш учун комиссия Дававианазорат томонидан тайинланади. Сертификатлаш текширувининг дастури комиссия томонидан муайян аэродром-

нинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда намунавий дастур асосида ишлаб чиқилади.

26. Аэродромларни Дававианазорат комиссияси томонидан сертификатлаш текширувидан ўтказиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) аэродромнинг сертификатлаш талабларига ва ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини жойида аниқлаш;

б) ердаги асбоб-ускуналарининг, аэродром объектларининг таркиби ва ҳолатини, унинг техник жиҳозланишини, парвозларни ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ташкиллаштирилишини аниқлаш;

в) бинолар, маъмурий хоналар, парвозларни радиотехник таъминлаш;

г) техник ишлар ўтказиш бўйича назорат зоналари ва бошқа объектлар тегишлича жиҳозланганлиги, узлуксиз ишлаши, назарда тутилган вазифаларни бажариш учун яроқлилигига ишонч ҳосил қилиш.

27. Текширув натижаларига кўра беш иш куни мобайнида текширув натижалари, мулоҳазалар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар кўрсатилган далолатномада расмийлаштирилади.

28. Аэродромни сертификатлаш натижаларига кўра сертификатлашнинг якунлари, комиссиянинг хулосалари ва бажарилиши шарт бўлган таклифлари акс эттириладиган комплекс хулоса якуний ҳужжат ҳисобланади. Комплекс хулоса комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва Дававианазорат раҳбари ўринбосари томонидан тасдиқланади. Якуний хулосанинг нусхаси ариза берувчига йўлланади.

29. Дававианазорат, текширув натижаларини ва аэродром эксплуатантининг далолатномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларини кўриб чиқади. Зарурият бўлганда қайта текширув ўтказилади ва унинг натижаларига кўра тегишли далолатнома тузилади.

30. Текширувнинг тасдиқланган далолатномасига асосан ариза берувчи камчиликларни бартараф этиши ва бу ҳақда Дававианазоратга хабар бериши шарт.

31. Ариза берувчининг айби билан текшириш ўтказилган кундан бошлаб икки ой мобайнида сертификат бериш ҳақида қарор қабул қилинмаса, бундай ариза бекор қилинади.

Ариза берувчи умумий асосларга кўра қайтадан ариза бериши мумкин.

§ 5. Аэродром сертификатини бериш

32. Асословчи ҳужжатларнинг экспертизаси, сертификатлаш текширув натижалари ижобий бўлса, барча зарур ҳужжатларни расмийлаштириш натижаси бўйича Дававианазорат аэродромга сертификат бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилади.

33. Аэродром сертификати Дававианазорат томонидан қатъий ҳисобда турувчи бланкда, мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ, белгиланган тартибда қайд қилинади ва уч йилгача бўлган муддатга берилади.

34. Сертификатнинг асл нусхаси ариза берувчига ёки бундай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган шахсга берилади ва нусхаси Дававианазоратда сақланади. Сертификат, у амалга киритилган вақтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Сертификат йўқотилганда ёки яроқсиз ҳолга келиб қолганда белгиланган тартибда унинг дубликати берилади.

§ 6. Аэродром сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш

35. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш аэродром эксплуатантининг аризасига кўра, биринчи маротаба сертификат беришдаги сингари тартибда амалга оширилади. Сертификатнинг амал қилиш муддати ичида ўзгариш бўлмаган ҳужжатларни қайтадан топширмасликка рухсат этилади. Бундай ҳолда тегишли ҳужжат умумий рўйхатга изоҳ («ўзгаришсиз», «олдин тақдим этилган») билан бирга киритилади.

§ 7. Аэродром сертификатига ўзгартириш киритиш

36. Сертификатга ва асословчи ҳужжатларга ўзгартириш киритиш учун аэродром эксплуатанти зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда, мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ, Дававианазоратга ариза билан мурожаат қилиши керак.

37. Сертификатга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ариза Дававианазорат томонидан II бобнинг 3-параграфига биноан кўриб чиқилади.

38. Дававианазорат сертификатга ўзгартириш киритиш учун сертификатлаш текшируви ўтказиш (зарурият бўлганда) муддатларини белгилайди. Сертификатлаш текшируви тартиби ушбу Қоидаларнинг II бобнинг 4-параграфи талабларига мувофиқ ўтказилади.

39. Сертификатлаш текшируви натижалари ижобий бўлса, барча зарур ҳужжатларни расмийлаштириш натижаси бўйича Дававианазорат сертификатга ва асословчи ҳужжатларга ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

§ 8. Сертификатни бекор қилиш, унинг амал қилишини тўхтатиш (тиклаш)

40. Дававианазорат томонидан қуйидаги ҳолларда сертификатнинг амал қилиши бекор қилинади:

а) аэродром эксплуатанти сертификатни бекор қилишни сўраб ёзма равишда мурожаат қилганда;

б) сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

в) аэродром тугатилганда;

г) аэродромнинг амал қилиш муддати тўхтатилган сертификати белгиланган муддатларда Дававианазоратга қайтариб берилмаганда.

41. Дававианазорат томонидан қуйидаги ҳолларда сертификатнинг амал қилиши тўхтатилади:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида амал қиладиган талаблар, шунингдек аэродром сертификатланишида қўйилган сертификатлаш талаблари бузилганлиги (риоя этилмаганлиги) фактлари аниқланганда;

б) аниқланган парвозлар хавфсизлигига хавф туғдирувчи камчиликларни ёки умуман парвозлар хавфсизлигига таъсир этувчи номувофиқликларни бартараф этиш бўйича Дававианазоратнинг кўрсатмалари белгиланган муддатларда бажарилмаганда;

в) парвозлар хавфсизлигига таҳдид солувчи ва белгиланган тартибга мувофиқ текшириб кўрилиши лозим бўлган ҳодисаларни яшириш;

г) парвозлар хавфсизлигига таъсир этувчи бошқа омиллар аниқланганда.

42. Аэродром сертификатини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиб қўйиш

тўғрисидаги қарор Дававианазорат раҳбари томонидан назорат текшируви ўтказиш натижалари бўйича тузилган далолатномага асосан қабул қилинади ва у имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

43. Аэродром сертификати бекор қилинганлиги ёки амал қилиши тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисида хабарнома олган аэродром эксплуатанти:

а) сертификатда кўрсатиб ўтилган ишларни бажаришни зудлик билан тўхтатиши;

б) аэродромдан фойдаланувчиларни бу ҳақда хабардор қилиш;

в) уч кунлик муддат ичида Дававианазоратга сертификатнинг асл нусхасини қайтариши шарт.

44. Амал қилиши бир ойдан ортиқ, лекин уч ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйилган аэродром сертификатининг амал қилишини тиклаш эксплуатант томонидан тегишли ариза берилиб, камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этилгандан сўнг унинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби бўйича амалга оширилади.

45. Қайтадан аэродром сертификатини олиш учун эксплуатант умумий асосларда ариза бериши керак.

III. Сертификатланган аэродромлар фаолияти устидан назорат

§ 1. Назоратни ташкил қилиш

46. Эксплуатация жараёнида ҳаво транспортида ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва сертификатланган аэродромларнинг фаолиятини сертификатлаш талаблари даражасида тутиб туриш мақсадида Дававианазорат сертификатланган аэродромлар фаолияти устидан назоратни аэродромларда инспекция текшируви ўтказиш йўли билан амалга оширади.

47. Қуйидаги назорат турлари назарда тутилади:

а) Дававианазорат томонидан тасдиқланган назорат режа-графикга мувофиқ режали назорат текширувлари. Режали инспекция текширувларининг даврийлиги Дававианазорат томонидан аниқланади (сертификатлашлар орасидаги давр ичида камида бир марта);

б) Дававианазоратнинг қарорига кўра аэродромнинг ушбу Қоидаларнинг талабларига жавоб бериши, сертификат берилаётганда ўрнатилган шартлар ва чеклашларнинг бажарилаётганлигини текшириб баҳолаш учун ўтказиладиган режадан ташқари инспекция текширувлари;

в) Дававианазоратга аэродром эксплуатанти, ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан бериладиган ахборотларни инспекция текшируви ўтказмасдан туриб эксперт баҳолаш.

48. Инспекция текшируви ўтказиш тартиби ушбу Қоидаларнинг талабига жавоб бериши керак. Текшириш материаллари асословчи ҳужжатлар билан бирга сақланади.

§ 2. Аэродромларни текшириш

49. Аэродром эксплуатанти Дававианазорат инспекция комиссияси (инспектор) ишлаши учун барча шартларни яратиши шарт.

50. Аэродромга етиб келган инспектор аэродром раҳбариятига ўзини таништи-

риши, гувоҳномасини кўрсатиши, инспекция текширувини ўтказиш режаси билан таништириши керак.

Инспекторга топшириқ бериш тартиби ва топшириқ шакли Дававианазорат томонидан белгиланади.

51. Назорат давомида белгиланган тартиб, талаблар, қоидалар ва амалий услублар бажарилишини тасдиқлаш учун инспекторлар фақатгина Дававианазорат кўрсатмаларига мувофиқ ва авиация қоидалари талабларига таянган ҳолда иш қўришлари керак.

52. Аэродромларни назорат қилиш вақтида назоратни амалга оширадиган мутахассислар бинолар, иншоотлар, маъмурий бинолар, парвозларни радиотехник таъминлаш, техник ишлар ўтказиш бўйича назорат зоналари ва бошқа объектлар тегишлича жиҳозланганлиги, узлуксиз ишлаши, назарда тутилган вазифаларни бажариш учун яроқлилиги ва сертификатлаш талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиши керак.

53. Инспекция текшируви натижалари тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган ҳолда аэродром эксплуатантга хабар қилинади. Далолатномада аниқланган барча камчиликлар, уларни бартараф этиш муддатлари ва тавсия этиладиган тадбирлар кўрсатилади.

§ 3. Режадан ташқари инспекция текшируви

54. Қуйидагилар режадан ташқари инспекция текшируви ўтказиш учун асос бўлади:

- а) аэродромда парвозлар хавфсизлиги даражаси пасайганлиги тўғрисидаги ахборот;
- б) аэродромдан фойдаланиш жараёнида унинг сертификатлаш талабларига номувофиқ ҳолга келганлигининг аниқланиши;
- в) Дававианазорат томонидан ўтказиладиган авиация ҳодисаларининг олдини олиш тадбирлари.

55. Режадан ташқари инспекция текшируви назорат ўтказиш сабабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва Дававианазорат раҳбари ўринбосари томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ ўтказилади.

56. Инспекция текшируви натижалари ушбу Қоидаларнинг 53-бандига мувофиқ расмийлаштирилади.

IV. Аэродром эксплуатантининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

57. Аэродром эксплуатантининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- а) аэродром эксплуатанти сертификатнинг фаолиятини тўхтатиш ёки сертификатни бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан қонунчиликка мувофиқ шикоят қилиш;
- б) аэродромни сертификатлаш талаблари даражасида ва асословчи ҳужжатлардаги қоидаларга мос ҳолда тутиш ва фойдаланиш;
- в) аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномалардаги, аэронавигация маълумотлари тўпламларидаги маълумотларнинг аэродромнинг амалдаги ҳолатига ва асословчи ҳужжатлардаги қоидаларга мувофиқ бўлишини таъминлаш;
- г) тузатишларни белгиланган тартибда Аэродром ҳудудида парвозларни амалга

ошириш бўйича йўриқномага ва Ўзбекистон Республикасининг аэронавигация ахборотлари тўпламига киритиш;

д) аэродромда сертификатлаш талабларига номувофиқликлар аниқланганда, зудлик билан аэродромда парвозларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган чекловлар киритиш ва киритилган чекловлар тўғрисида Дававианазоратга ахборот бериш;

е) сертификатлаш бўйича расмийлаштирилган иш жилдининг унга киритилган барча ўзгаришлари билан биргаликдаги бир нусхасига эга бўлиш.

V. Аэродром эксплуатантининг жавобгарлиги

58. Аэродром эксплуатанти қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

а) аэродромни парвозлар хавфсизлигини таъминлайдиган ҳолатда тутиб туриш;

б) фуқаро авиациясининг аэродромлардан фойдаланиш масалалари бўйича фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини бажариш;

в) аэродром фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган технологик тадбирларни ишлаб чиқиш;

г) бўлинмалар ва хизматларда авиация фаолиятини белгилаб берадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши;

д) асословчи ҳужжатларда келтирилган маълумотларнинг тўғри ва аниқ бўлиши;

е) сертификатда ва асословчи ҳужжатларда кўрсатилган аэродром характеристикаларидаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
1-ИЛОВА

Дававианазорат раҳбарига

Сертификатлаштиришни ўтказиш учун АРИЗА

_____ аэродромга
_____ беришингизни сўрайман
(сертификатлаштириш ҳужжатининг номи кўрсатилсин)

Аэродром эгаси _____

Аэродром классификацияси _____

Аэродром магнит курси _____ ХФАТ (ИКАО) _____

тоифаси бўйича жиҳозланган (заруратга қараб тўлдирилади);

Аэродром халқаро парвозлар учун мўлжалланган (заруратга қараб тўлдирилади); _____

Аэродром _____

(сертификатлаш талабларидан иборат ҳужжат номи кўрсатилсин)

_____ талабларига жавоб беради.

Аэродромнинг _____ бандлари

(сертификатлаш талабларидан иборат ҳужжат номи кўрсатилсин)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

талабларидан четга чиқиши ўрнига парвозларнинг мос равишдаги хавфсизлик даражасини таъминлайдиган тадбирлар киритилди.

Илова: ушбу Қоидаларнинг 12-бандида кўрсатилган ҳужжатлар

М.Ў

Ариза берувчининг имзоси

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
2-ИЛОВА

Ариза берувчининг аэродромни сертификатлашдаги МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ушбу орқали _____ аэродроми сертификатлаш талабларига жавоб беришини, тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот аэродромнинг амалдаги ҳолатига жавоб беришини тасдиқлайман ва қуйидагиларни ўз зиммамга оламан:

1. Аэродромдан ва унинг асбоб-ускуналаридан сертификатлаш талабларига мувофиқ ҳолда фойдаланиш ва тутиш.

2. Аэродром ихтиёридаги ҳудуднинг ҳолати ва баланд тўсиқлар устидан назоратни таъминлаш.

3. Аэронавигация ахборотлари тўпламидаги аэродромга тааллуқли маълумотларнинг, аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш бўйича йўриқномаларнинг ва сертификатлаш ҳужжатларининг аэродромнинг ва унинг асбоб-ускуналарининг амалдаги ҳолатига мувофиқ бўлишини кўрсатилган ҳужжатларга киритиш учун материалларни ўз вақтида тайёрлаш ва мувофиқлаштириш орқали таъминлаш.

4. Дававианазоратдан аэродром характеристикасига ўзгартириш киритиш учун рухсат олиш.

5. Аэродром ва унинг асбоб-ускуналари ҳолатини назоратдан ўтказиш учун Дававианазорат вакиллари аэродром ҳудудига киритиш ва уларнинг ишлашлари учун қўмаклашиш.

М.Ў.

(имзо)

(лавозими)

(Ф.И.Ш)

Ўзбекистон Республикаси фукаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
3-ИЛОВА

Сертификат олиш (узайтириш) учун асословчи ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1-қисм. Парвозларни аэродром-техник таъминоти

- а) Аэродромнинг сертификатлаш талабларига мувофиқлигини текшириш далолатномаси.
- б) Аэродром ихтиёридаги ҳудудни текшириш далолатномаси.
- в) Илмий-тадқиқот ташкилотларининг сунъий қопламаларнинг мустаҳкамлиги тўғрисидаги, парвозлар хавфсизлигининг эквивалент даражаси таъминланганлиги тўғрисидаги хулосалари.
- г) Аэродром класс, қопламалар мустаҳкамлиги, қияликлар, қопламалар ҳолати, жойлашган ораликлар, тўсиқларнинг мувофиқлик жадваллари.
- д) Аэродром хизмати тўғрисида низом.
- е) Аэродром хизмати ходимларининг штатлар жадвали.
- ж) Аэродром хизмати бўйича норматив ҳукуқий ҳужжатлар рўйхати.

2-қисм. Парвозларни радиотехник таъминоти

- а) РТУАЭ базаси раҳбар таркиби ва мутахассислари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар:
фамилияси, исми, шарифи, эгаллаган лавозими;
маълумоти (ўқув юрти, диплом №, тугалланган вақти, малакаси);
малака оширганлиги (сана, ўқув юрти);
- б) Ҳужжатлар нусхаси:
РТУАЭ базаси ташкилий тузилмасининг схемаси,
РТУАЭ базаси тўғрисида Низом.
- в) РТУАЭ базаси штатлар жадвали ва унинг тўлдирилиши.
- г) РТУАЭ базасига бириктирилган радиотехник асбоб-ускуналар рўйхатининг йиғма жадвали, қуйидаги маълумотларни келтирган ҳолда: буюм тури, заводдан берилган рақами №, тайёрланган санаси, фойдаланиб бошланган сана, рухсатнома № ва берилган санаси, Гувоҳнома № ва берилган санаси, амал қилиш муддати (амал қилиш муддати узайтирилганда, қанча муддатга узайтирилганлиги кўрсатилсин).
- д) Радиолокация, радионавигация ва авиация электралоқасининг сертификатлаш талабларига мувофиқлиги жадвали.

_____ объекти _____ характеристикасининг
(объектнинг номи)
сертификатлаш талабларига мувофиқлик жадвали

№ т/р	Характеристика номи	Ўлчов бирлиги	Норматив	Ўлчаш натijasи	Талабларга мувофиқлиги	Асословчи ҳужжат	Изоҳ

- е) Объектнинг ходимлар билан тўлдирилганлиги, ходимларнинг малакаси, махсус тайёргарлиги ва шаҳодатдан ўтказилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ж) Объектда асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, улар тўғрисида қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда: заводдан берилган рақами, тайёрланган санаси, фойдаланиб бошланган сана, имкониятларидан қай даражада фойдаланиб бўлинганлиги.

з) Объектнинг жойлашиш схемаси ва объектда электр таъминоти схемаси.

и) Объектнинг фойдаланиш учун қабул қилинганлиги далолатномасининг нусхаси.

й) Асбоб-ускуналар, электр таъминоти, алоқа линияси ва бошқарувни резервга олиб қўйиш бўйича йўриқномалар, резервга уланишнинг (ўтишнинг) норматив вақти жадвали.

к) АФҚ уланиш режаси ва схемаси (авиация электр алоқаси объектлари учун).

л) Алоқа ва бошқарув линиялари схемаси.

м) Учувчилар ва диспетчерлар таркибининг эътирозларни қайд қилиш дафтаридан охирги олти ой учун кўчирма (ушбу объектга тааллуқли бўлган маълумотлар).

н) Охирги беш йил ичида объектнинг ишламай қолганлиги тўғрисидаги маълумотлар (агар шундай маълумотлар бўлса).

о) Парвозларни радиотехник таъминоти объектларини ва авиация электралоқасидан техник фойдаланишни метрологик таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома. Маълумотномада қуйидаги масалалар акс эттирилиши керак:

РТУАЭ базасида метрологик таъминот учун жавобгар шахс тайинланганлиги тўғрисида;

Метрологик таъминот тўғрисидаги низомнинг мавжудлиги;

метрологик таъминот бўйича тадбирларни режалаштириш;

раҳбар томонидан тасдиқланган ўлчов воситаларини текшириш (калибровка) графиги;

Ўлчов воситаларини текширишдан (калибровка) ўтказиш бўйича метрологик лабораторияларнинг мавжудлиги;

метрологик таъминот соҳасида норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва рўйхати;

радиотехник асбоб-ускуналар ва электралоқага техник хизмат кўрсатиш учун ўлчов воситаларининг етарлилиги.

п) Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкил қилинганлиги тўғрисида маълумотнома. Маълумотномада қуйидагилар акс эттирилиши керак:

бутун РТУАЭ базаси бўйича ва ташкилий бўлинмалар бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш ишларининг ташкил этилиши учун жавобгар шахсларни тайинланганлиги тўғрисида (корхона раҳбарининг буйруғи);

корхона раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномалар рўйхати (маълумотномага илова);

махсус ўқитишни ташкил қилиш, билимларни текшириш, йўриқномалар ўтказиш ва ишлашга рухсат бериш;

хавф даражаси юқори бўлган ишларда ишлашга рухсат беришни ташкил этилиши;

электр қурилмалардан хавфсиз фойдаланишни ташкил этилиши;

РТУАЭ базаси ходимларини тиббий кўрикдан ўтказишнинг ташкил этилиши;

р) Объектив назорат воситаларини ердаги текшириш баённомаси.

3-қисм. Парвозларни электр-ёритиш техник таъминоти

а) ПЭЁТТ базаси раҳбар таркиби ва мутахассислари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар:

фамилияси, исми, шарифи, эгаллаган лавозими;
маълумоти (ўқув юрти, диплом №, тугалланган вақти, малакаси);
малака оширганлиги (сана, ўқув юрти);

б) Хужжатлар нусхаси:

ПЭЁТТ хизмати ташкилий тузилмасининг схемаси;

ПЭЁТТ хизмати тўғрисида Низом.

в) ПЭЁТТ хизмати штатлар жадвали ва унинг тўлдирилиши.

г) ПЭЁТТ хизматига бириктирилган радиотехник асбоб-ускуналар рўхатининг йиғма жадвали, қуйидаги маълумотларни келтирган ҳолда: буюм тури, заводдан берилган рақами №, тайёрланган санаси, фойдаланиб бошланган сана;

д) Объектнинг ходимлар билан тўлдирилганлиги, ходимларнинг малакаси, махсус тайёргарлиги ва шаҳодатдан ўтказилганлиги;

е) Ёруғлик-сигнал асбоб-ускуналари тизимининг мувофиқлик жадвали (ҳар бир қўниш йўналиши учун);

ж) Ёруғлик-сигнал тизимини ердаги текшириш далолатномаси;

з) Ёруғлик-сигнал тизимини парвозда текшириш далолатномаси, фотосуратлари билан (ҳар бир қўниш йўналиши учун). Учувчилар ва диспетчерлар таркиби этирозларни қайд қилиш дафтаридан ЁСУ иши бўйича охирги олти ой учун кўчирма. Охирги беш йил ичида ЁСУ ишламай қолганлиги тўғрисидаги маълумотлар (агар шундай маълумотлар бўлса);

и) Перронни ва тўхтаб туриш жойини прожектор билан ёритилишини текшириш далолатномаси;

й) Ёруғлик-сигнал тизимининг фойдаланиш учун яроқли эканлиги тўғрисидаги гувоҳномадан нусха;

к) Қуйидаги схемалар:

Аэродромнинг ёруғлик-сигнал асбоб-ускуналарининг жойлашуви (сигнал чироклари, ёритгичли кўрсаткичлар ва б.)

Перронни ва тўхтаб туриш жойини прожектор билан ёритилиши.

л) Аэродромнинг электр таъминоти ва электротехник асбоб-ускуналарининг мувофиқлик жадвали;

м) Аэродромнинг электр таъминоти ва электротехник асбоб-ускуналарини текшириш далолатномаси;

н) Аэродромнинг электр таъминоти, қўнишда ҳаводаги ҳаракатни бошқариш воситалари объектларининг, радионавигация, алоқа, метео таъминот схемаси*;

о) ПЭЁТТ хизматининг метрологик таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома. Маълумотномада қуйидаги масалалар акс эттирилиши керак:

ПЭЁТТ хизматида метрологик таъминот учун жавобгар шахс тайинланганлиги тўғрисида;

метрологик таъминот тўғрисидаги Низомнинг мавжудлиги;

метрологик таъминот бўйича тадбирларни режалаштириш;

раҳбар томонидан тасдиқланган ўлчов воситаларини текшириш (калибровка) графиги;

* Изоҳ: ЁСУ, аэродромнинг электр таъминоти, қўнишда ҳаводаги ҳаракатни бошқариш воситалари объектларининг, радионавигация, алоқа, метео таъминотни ерда текшириш баённомалари ариза берувчининг хизматида сақланади ва расмий сўроқ бўйича сертификатлаштиришга берилади.

ўлчов воситаларини текширишдан (калибровка) ўтказиш бўйича метрологик лабораторияларнинг мавжудлиги;

метрологик таъминот соҳасида норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва рўйхати;

радиотехник асбоб-ускуналар ва электралоқасига техник хизмат кўрсатиш учун ўлчов воситаларининг етарлилиги.

п) Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкил қилинганлиги тўғрисида маълумотнома. Маълумотномада қуйидагилар акс эттирилиши керак:

ПЭЁТТ хизмати бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш ишларининг ташкил этилиши учун жавобгар шахсларни тайинланганлиги тўғрисида (корхона раҳбарининг буйруғи);

корхона раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномалар рўйхати (маълумотномага илова);

махсус ўқитишни ташкил қилиш, билимларни текшириш, йўриқномалар ўтказиш ва ишлашга рухсат бериш;

хавф даражаси юқори бўлган ишларда ишлашга рухсат беришни ташкил этилиши;

электр қурилмалардан хавфсиз фойдаланишни ташкил этилиши.

4-қисм. Парвозларнинг метеорологик таъминоти

а) Хизмат тўғрисида низом;

б) Штатлар жадвали;

в) Назоратчига кўз (ёки дурбин) билан кузатиш ҳуқуқини берувчи тиббий ҳужжатларнинг мавжудлиги;

г) Ҳужжатларнинг мавжудлиги (паспорт, формуляр, техник тавсиф, тур сертификатлари, текшириш тўғрисида гувоҳнома);

д) Метеорологик асбоб-ускуналарнинг мувофиқлик жадвали;

е) Аэродром метеоускуналарининг текширилганлиги далолатномаси.

5-қисм. Парвозларни қидириш-авариядан қутқариш ва ёнғиннинг олдини олишни таъминлаш

а) Аэродромлардаги қидириш-авариядан қутқариш воситаларининг мувофиқлик жадвали;

б) Аэродромларда қидириш-авариядан қутқариш кучларининг мувофиқлигини текшириш далолатномаси;

в) ПҚАҚТХ хизматлари тўғрисида низом, авариядан қутқариш ишлари, парвозларни авариядан қутқаришни таъминлаш муҳандисларининг лавозим йўриқномалари;

г) ЁҚХ шахсий таркибининг мавжудлиги ва штатлар жадвали;

д) Ҳаво кемаси тўхтаб туриш жойларининг кўчма ўт ўчиргичлар билан жиҳозланганлиги, тўхтаб туриш жойларининг сони ва ўт ўчиргичларнинг турлари бўйича сони;

е) Учиш-қўниш йўлчасига кўпик пуркайдиган мосламанинг мавжудлиги, ёнғиндан ҳимоялашнинг талаб қилинадиган даражаси 6—10-тоифадаги аэродромлар учун;

ж) ПҚАҚТХ бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
4-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
аэродром эксплуатанти раҳбари

200__ й. «__» _____

**_____ аэродромида сертификатлаш талабларидан
четга чиқиш мавжуд бўлганда парвозлар хавфсизлигининг
эквивалент даражаси таъминланганлиги тўғрисида
ХУЛОСА**

Эркин шаклда баён этилади:

1. Норматив ҳужжатнинг тегишли банди қўрсатилган ҳолда четга чиқиш м-
ҳияти баён этилади:
2. Четга чиқишга йўл қўйилишининг сабаби.
3. Ушбу четга чиқишда парвозлар хавфсизлигининг эквивалент даражасини
таъминлайдиган тадбирлар.
4. Парвозлар хавфсизлигининг эквивалент даражасининг таъминланганлиги
тўғрисида хулоса, 3-банд бўйича тадбирларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда.

— Аэродром хизмати раҳбари _____

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

+

Изоҳ: Дававианазорат талабига кўра хулоса илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташки-
лотлари, шунингдек фуқаро авиациясининг бошқа тегишли хизматлари билан кели-
шилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
5-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Дававианазорат раҳбарининг ўринбосари

200__ й. «__» _____

**Сертификатлашни ўтказиш учун берилган ариза бўйича
ҚАРОР**

№ _____ 200__ й. «__» _____

(авиакорхона/ташкilot номи)

сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди _____

(аэродром номи)

1) Сертификатлаштириш талабларига мувофиқ ўтказилади. _____

(норматив ҳужжатларнинг номи ва белгиланиши)

2) Текшириш Дававианазорат мутахассислари томонидан ўтказилади _____

(сертификатлаш текшируви ўтказиш санаси кўрсатилади)

3) Дававианазорат аэродром фаолияти бўйича даврийликда назоратни амалга
оширади _____

Дававианазорат бўлинмаси раҳбари _____
имзо (Ф.И.Ш)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
6-ИЛОВА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПАРВОЗЛАР
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ
STATE INSPECTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
FOR FLIGHT SAFETY OVERSIGHT**

**СЕРТИФИКАТ
CERTIFICATE**

Аэродром
Aerodrome

Аэродромнинг жойлашган ўрни
Aerodrome location

Аэродром эгаси
Aerodrome Owner

Сертификат эгаси
Certificate Holder

Сертификатнинг амал қилиш муддати
Certificate Validity

Ушбу орқали аэродром сертификатлаш талабларига жавоб бериши тасдиқлана-
ди, шу жумладан: ХФАТ (ИКАО) I-тоифаси бўйича МК қўниш — ўнг.; чап.; ўнг.
ХФАТ (ИКАО) II-тоифаси бўйича МК қўниш — чап.

This certifies that the aerodrome complies with the certification requirements
including:

ICAO Category I RWY R; L; R.

ICAO Category II RWY L.

Аэродром халқаро парвозлар учун яроқли.
The aerodrome may serve international flights.

Кучга кириш санаси
Effective date

Дававианазорат бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
7-ИЛОВА

Дававианазорат раҳбари ўринбосарига

А Р И З А

Қуйидаги ҳужжатга _____
(ўзгартириш киритиладиган ҳужжат кўрсатилади)

_____ ўзгартириш кирити-
шингизни сўрайман.

Таклиф қилинадиган ўзгартиришлар: _____
(ўзгартиришларнинг қисқача тавсифи)

Ўзгартириш киритилган аэродром ҳолати жавоб беради _____
(сертификатлаш талаблари ёзилган ҳужжат кўрсатилади)

Илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. _____
2. _____

М.Ў.

Эксплуатант раҳбари

«_____» _____

(Ф.И.Ш. имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

449 Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
30 октябрда 1238-7-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 9 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 мартдаги 43, 2003-37-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1238 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 11-сон, 131-модда, 40-сон, 442-модда; 2005 йил, 15-16-сон, 125-модда, 40-сон, 312-модда; 2006 йил, 20-21-сон, 182-модда; 2007 йил, 7-8-сон, 75-модда) 25-банди куйидаги мазмундаги 37-кичик банд билан тўлдирилсин:

«37) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизими техник воситаларнинг, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматларнинг қиймати».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 22 октябрь,
96-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 22 октябрь,
2007-60-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

450 Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
30 октябрда 1735-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 9 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг 2004 йил 29 мартдаги 24, 01/24-15, 53, 948, 283-01, 42-01/142-сон «Кимошди савдоларида тозаланган мис, металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2004 йил 4 июнь, рўйхат рақами 1367 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 22-23 сон, 269-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 24 сентябрь,
34-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 24 сентябрь,
86-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Иқтисодиёт вазирлиги,
Молия вазирлигининг 2007 йил
24 сентябрдаги 34, 86-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) мувофиқ мис катоди ва мис катанкаси (бундан кейинги ўринларда мис маҳсулоти деб юритилади), металл рух ва иккиламчи алюминийни товар хом ашё биржалари биржа савдоларида (бундан кейинги ўринларда Биржа деб юритилади) сотиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мис маҳсулоти, металл рух ва иккиламчи алюминийни республика ички истеъмолчиларига сотиш электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади.

2. Мис маҳсулоти, металл рух ва иккиламчи алюминий Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, маҳсулотни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб оладиган ва уларни кейинчалик чуқур қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган юридик шахсларга ушбу Низомга мувофиқ сотилади.

Мазкур Низомга мувофиқ сотиб олинган маҳсулот қайта сотилиши ва экспорт қилиниши мумкин эмас.

II. Асосий тушунчалар

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

закалат — Биржада амалга ошириладиган битишувлар бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан Биржага хизмат курсатувчи банкдаги ХҚКПнинг иккиламчи депозит ҳисобварағига киритиладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи;

нархлар котиловкаси — биржа савдоларининг бир куни учун Биржада ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган маҳсулотга ўртача нарх;

маҳсулот — ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг тасдиқланган моддий балансига мувофиқ биржа савдоларида истеъмолчиларга сотиладиган мис маҳсулоти, металл рух ва иккиламчи алюминий;

сотувчилар — маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар — «Олмалик ТМК» ОАЖ ва «Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чикитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ;

харидорлар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, маҳсулотни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб оладиган ва уларни кейинчалик чуқур қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган юридик шахслар;

Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан кейинги ўринларда ХККП деб юритилади) — биржа битишувлари бўйича клиринг, ҳисоб-китоблар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи Биржанинг тузилмавий бўлини;

тўланган битишувлар реестри — тузилган олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ қопланилишини таъминлайдиган микдордаги маблағларнинг харидорнинг ХККПдаги шахсий ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

биржа савдолари электрон тизими — биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими.

III. Мис маҳсулоти, металл рух ва иккиламчи алюминий ҳажмларини шакллантириш ва уларни сотиш тартиби

4. Маҳсулот сотиш ҳажмлари ҳар йили тасдиқланадиган мис маҳсулоти, металл рух ва иккиламчи алюминий ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг моддий балансларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

5. Сотувчилар кейинги йил учун мис маҳсулоти, металл рух ва иккиламчи алюминий ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг моддий балансларини олганларидан сўнг 10 кундан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда маҳсулот сотиш учун уни биржа савдоларига чиқаришнинг ҳар ойлик жадвалларини тасдиқлайдилар ва Биржага тақдим этадилар.

6. Биржа савдоларига маҳсулот чиқаришнинг жадваллари тасдиқланганидан сўнг, сотувчилар Биржа билан биргаликдаги фаолияти тўғрисида сотувчиларнинг биржа савдоларида иштирок этиш шартлари, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланган шартнома тузадилар.

Савдолар мунтазам равишда ҳафтанинг иш кунларида ўтказиб борилади.

7. Биржа савдолари Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Биржа савдолари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

8. Биржа савдоларининг ўтказилиши, биржа сессияларининг давомийлиги, сотувга қўйиладиган маҳсулотлар ҳажми, шунингдек маҳсулотнинг жойлашган жойи, ишлаб чиқарувчи — завод, маҳсулотнинг бошланғич нархи тўғрисидаги ахборот Биржа томонидан харидорларга мажбурий тартибда оммавий ахборот воситалари, брокерлар ҳамда бошқа ахборот каналлари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали етказилади.

9. Биржа барча савдо иштирокчиларига, уларнинг республика ҳудудида жойлашишидан қатъи назар, электрон савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконини таъминлаб бериши шарт.

10. Савдоларни ўтказиш, киритилган закат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича иштирокчиларни киритиш ва четлатиш, электрон биржа савдолари голибларини аниқлаш ва битишувларни рўйхатдан ўтказиш электрон биржа савдолари тизими орқали амалга оширилади.

Битишувни рўйхатдан ўтказиш куни Биржа брокерга битишув баённомаси ва намунавий олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун тақдим этади.

11. Олди-сотди шартномаси битишув баённомасида назарда тутилган шартларда у олинган кунда расмийлаштирилади.

Битишув баённомаси шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

12. Савдоларда сотилмай қолган маҳсулотлар ҳажми кейинги савдоларга кўчирилади. Бунда, сотувчилар маҳсулотни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича биржа савдоларига қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдолари натижаларида вужудга келган ўртача нархлар бўйича фақат уларни кейинчалик чуқур қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ва маҳсулотни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб оладиган юридик шахсларга сотиш ҳуқуқига эга.

13. Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақи сотувчилар ва харидорлар учун Биржа томонидан Молия вазирлиги билан келишилган Биржа хизматлари тарифларига мувофиқ ўрнатилади.

14. Тузилган олди-сотди шартномалар бўйича маҳсулотни сотиш олдиндан тўловни тўлиқ тўлаш ёки етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳар бир партияси учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шарти билан амалга оширилади.

15. Харидор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, сотувчи маҳсулотни қайта савдога қўяди.

IV. Мис маҳсулоти, металл рух ва иккиламчи алюминий нархларини аниқлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизми

16. Маҳсулотни савдога қўйишда бошланғич нархи қуйидагича белгиланади:

«Олмалиқ ТМК» ОХЖ бўйича — мис катоди ва металл рухга — жаҳон нархи даражасида, мис катанкасига — мис катанкаси ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, 1,2 дан кўп бўлмаган ўсувчи коэффициентни қўллаб, жаҳон нархи даражасида;

«Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ бўйича — иккиламчи алюминийга — бошқариладиган нарх даражасида, мис маҳсулотига — корхона улгуржи баҳоси даражасида.

17. Биржа савдоларида шаклланган маҳсулот нархи унинг бошланғич нархидан ошиши натижасида сотувчи томонидан («Олмалиқ ТМК» ОХЖ томонидан сотилган мис маҳсулотларидан ташқари) олинган қўшимча даромад унинг ихтиёрида қолади.

18. Биржа савдоларида тузилган битишувларнинг молиявий кафолатини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар Биржа ҲККПси орқали амалга оширилади.

19. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида, ҲККП Биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ва биржа битишувлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очади. Иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи Биржага хизмат кўрсатувчи банкда Биржанинг иккиламчи депозит ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ очилади.

20. Сотувчи ва харидорларнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги маблағлари ҳаракатларини назорат қилиш учун ҲККП ҳар бир сотувчи ва харидорга фойдаланувчининг шахсий рақамига (бундан кейинги ўринларда — ФШР деб юритилади) мос келувчи алоҳида ҳисобварақ очади.

Сотувчилар ва харидорларнинг маблағлари ушбу ҳисобварақларда ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча ҳисобварағи доирасида ҳисобга олинади.

21. ҲҚҚП мижозларнинг сўровларига мувофиқ уларга хизмат кўрсатиш шартлари, ушбу мижознинг қолган маблағлари тўғрисида ахборот бериб туриши шарт.

ҲҚҚП томонидан мижознинг шахсий ҳисобварағи ҳолати, шахсий ҳисобварақларда қолган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга ошкор этилиши ман этилади.

22. Биржа мижозларнинг сўровларига кўра уларни биржа клиринги натижалари, уларнинг маблағлари ҳолати ва жорий кунда белгиланган савдолар лимитлари пул маблағлари тўғрисида хабардор қилиб туриши шарт.

23. Сотувчилар ва харидорлар Биржага хизмат қилувчи банкдаги ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига биржа савдоларига қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 10 фоизи миқдоридаги закатлатни қўяди.

24. Харидорлар Биржада депонентга қўйилган закатлатни ҳисобга олинган ҳолда тўлаш мўлжалланаётган маблағ ҳажмида битишувлар тузишга ҳақлидир.

25. Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги сотувчилар ва харидорларнинг маблағларидан:

биржа битишувлари бўйича мажбуриятлар бажарилиши, харажатлар қисмида ва улар ўртасида тузилган шартномалар билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун;

келишилган муддат давомида, битишув амалга оширилмаган ёки белгиланган тартибда бекор қилинган тақдирда, мижознинг банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш учун;

депонентга қўйилган маблағлар ҳисобидан Биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

26. Биржа битишуви рўйхатга олинганидан кейин беш банк иш кунида харидор тузилган олди-сотди шартномаси бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қўшимча маблағларни ўтказиши шарт. Бунда, маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқномасининг «тўлов мақсадлари» устунида харидорнинг ФШРи мажбурий тартибда кўрсатилиши шарт.

27. ҲҚҚП харидордан маблағлар келиб тушган вақтдан бошлаб бир банк иш куни мобайнида харидор томонидан ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганлигини тасдиқловчи тўланган битимлар реестрини сотувчига тақдим этиши шарт.

28. Агар харидор ушбу Низомнинг 26-бандида белгиланган муддатларда тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ маблағларни тўлиқ ҳажмда ўтказилишини таъминламаса, ҲҚҚП кўрсатилган муддат ўтгач, бир иш куни мобайнида сотувчи ва Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида хабар беради ва шу куннинг ўзидаёқ жарима чораси сифатида сотувчининг ҳисобварағига, Биржанинг воситачилик ҳақини чегирган тарзда, лекин закатлат миқдорида кам бўлмаган миқдордаги маблағни шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун киритиб қўяди.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан қайта сотувга қўйилади.

29. Сотувчи томонидан маҳсулотни харидорга олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда юклаб жўнатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаса, ҲҚҚП шартномада белгиланган муддат ўтганидан кейин Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда маҳсулотни етказиб бериш учун белгиланган қийматдан 2 фоиз миқдордаги маблағни жарима чораси сифатида харидор ҳисобига киритади

ва харидор, сотувчи ва Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида хабар қилади.

Битишув бўйича бекор қилинган махсулот хажми сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

30. ХККП томонидан сотувчига харидорнинг шахсий ҳисобварағига маблағларни келиб тушганлиги тўғрисида тўланган битишувлар реестрини тақдим этилиши сотувчининг махсулотни харидорга юклаб жўнатишига асос бўлади.

Сотувчи махсулотни харидор ўзининг мажбуриятларини бажарганлиги фактини ХККПнинг тасдиғисиз жўнатган тақдирда, Биржа рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномаси бўйича харидор томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

31. Махсулот жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактини харидор ва сотувчи имзолари билан тасдиқланган юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

Юк хати нусхасининг тақдим этилиши ХККП учун бир банк иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 19-бандига мувофиқ очилган иккиламчи талаб қилиб олгунгача ҳисобварақдан сотувчининг унга хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағига, сотувчининг шахсий ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда ўтказиш, шунингдек битишувни ёпиш учун асос ва мажбурият бўлади.

32. Махсулотни биржа савдолари ғолибларига юклаб жўнатиш олди-сотди шартномаларида назарда тутилган муддатларда ва шартларда сотувчининг нарядлари бўйича амалга оширилади.

V. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш

33. Харидор билан сотувчи ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

34. Биржа аъзолари, биржа савдолари иштирокчилари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги Биржа савдолари қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича юзага келадиган низолар Биржанинг арбитраж комиссияси ёки суд томонидан ҳал қилинади.

Арбитраж комиссияси томонидан низоларни кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилиши ман этилади.

VI. Ахборот таъминоти ва мазкур Низом бажарилиши юзасидан мониторинг

35. Биржанинг котировка ҳайъати ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича Биржада сотилган махсулот баҳоларининг биржа котировкаларини аниқлайди ва уларни ҳар ҳафта оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи саҳифаларида эълон қилиб боради.

36. Сотувчилар ва Биржа ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига махсулотнинг биржа савдоларига чиқариш, сотиш ва ушбу Низомга мувофиқ сотилган махсулотнинг ҳақиқатда етказиб берилган ҳажмлари тўғрисида маълумотни тақдим этади.

37. Биржа ҳар куни Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига савдога қўйилган

ва сотилган маҳсулот ҳажмлари, шунингдек савдоларда шаклланган ўртача сотиш баҳолари тўғрисидаги ахборотларни тақдим этади.

VII. Якуний қоида

38. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Олмалиқ ТМК» ОАЖ, «Рангли металл чиқиндилари, синиқларини тайёрлаш ва қайта ишлаш Тошкент заводи» ОАЖ ва «ЎзРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

**Монополиядан чиқариш, рақобат
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

**«Олмалиқ ТМК» ОАЖ
Бошқарув раиси**

Н. РУЗИЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

**«Рангли металл чиқиндилари,
синиқларини тайёрлаш ва қайта
ишлаш Тошкент заводи» ОАЖ
Бош директори в.б.**

Д. БАБАХАНОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

«ЎзРМБ» ОАЖ бошқарув раиси

Т. ТЎХТАБОЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 27 октябрдан 2 ноябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 26 октябрдаги М-42, 97-сонли қарори.

2007 йил 29 октябрда 1699-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 ноябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (ЎЗР АҚ-160)»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сонли буйруғи.

2007 йил 29 октябрда 1734-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 ноябрдан кучга киради).

3. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 22 октябрдаги 96, 2007-60-сонли қарори.

2007 йил 30 октябрда 1238-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 ноябрдан кучга киради).

4. «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 24 сентябрдаги 34, 86-сонли қарори.

2007 йил 30 октябрда 1735-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Кимошди савдоларида тозаланган мис, металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Ўзбеки-

ламчирангелиметалл» ОАЖ ва «ЎзРТХАБ» ОАЖ томонидан тасдиқланган.
(рўйхат рақами 1367, 04.06.2004 й.).

Адлия вазирининг 2007 йил 30 октябрдаги 210-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаш;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар ҳаритаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

— фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;

— базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг